

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**319 Умумий юрисдикция судларининг тузилмасига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2010 йил 12 августдаги «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги 137–II-сонли ва «Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 138–II-сонли қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2010 йил 29 августдаги «Тошкент вилоятининг Зангиота ва Тошкент туманларини бирлаштириш ҳамда Тошкент вилоятининг Зангиота, Қибрай туманлари ва Тошкент шаҳрининг Ҳамза тумани ҳудудларини қисман ўзгартириш тўғрисида»ги 96–II-сонли ва «Фарғона вилояти Охунбобоев туманининг номини ўзгартириш тўғрисида»ги 97–II-сонли қарорларига асосан:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман суди тугатилсин.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Тошкент туман судининг раиси ва судьяси жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Зангиота туман судининг судьялари деб ҳисоблансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Олий суди, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти туман (шаҳар) судларининг харажатлар сметаси ва штат жадвалига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги ПФ–3400-сонли «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

4. Мазкур Фармоннинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Тохирий зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2010 йил 9 сентябрь,
ПФ–4241-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2010 йил 9 сентябрдаги
ПФ-4241-сонли Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил
20 февралдаги ПФ-3400-сонли «Умумий юрисдикция
судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш
тўғрисида»ги Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-иловада:

а) «Қорақалпоғистон Республикаси» бўлимидан «Бўзатов» сўзи чиқариб ташлансин;

б) «Сирдарё вилояти» бўлимида:

«Меҳнатобод» сўзи чиқариб ташлансин;

«Шароф Рашидов» сўзлари «Сардоба» сўзига алмаштирилсин;

в) «Тошкент вилояти» бўлимидан «Тошкент» сўзи чиқариб ташлансин;

г) «Тошкент шаҳри» бўлимидаги, «Акмал Икромов» сўзлари «Учтепа» сўзларига алмаштирилсин;

д) «Фарғона вилояти» бўлимидаги «Охунбобоев» сўзи «Қўштепа» сўзига алмаштирилсин.

2. 7-иловада:

а) «Тошкент вилояти» бўлимидан «Тошкент» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) «Тошкент шаҳри» бўлимидаги «Акмал Икромов» сўзлари «Учтепа» сўзларига алмаштирилсин;

в) «Фарғона вилояти» бўлимидаги «Охунбобоев» сўзлари «Қўштепа» сўзларига алмаштирилсин.